

## АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА РАҚАМЛИ ИМКОНИЯТЛАР

Хусанова Х. -

*ЎзМУ, социология фанлари доктори*

Бугунги кунда, мамлакатимиз миқёсида аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни сифатида аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олиш мақсадида 2020 йил 16 мартда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ЎРҚ 611-сонли қонуни қабул қилинди [1]. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ дастлаб 2022 йилга режалаштирилган рўйхатга олиш тадбири пандемия ва техник тайёргарликлар сабабли кечиктирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, мамлакатда аҳолини рўйхатга олишнинг асосий босқичи 2026 йилда ўтказилиши белгиланди. Рўйхатга олиш жараёни 2026 йил 15-январдан 28-февралгача давом этади ва икки босқичда амалга оширилади. **Биринчи босқич, онлайн рўйхатдан ўтиш (15-январдан 31-январгача)** фуқаролар census.stat.uz портали орқали OneID тизимидан фойдаланиб, мустақил равишда онлайн рўйхатдан ўтмоқдалар. Бу жараён хорижда бўлган Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам амал қилапти. Айти пайтда, **аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари** бўлиб ўтмоқда. **Иккинчи босқич, уйма-уй юриб рўйхатга олиш (4-февралдан 28-февралгача) давомида** махсус тайёргарликдан ўтган ходимлар аҳоли ва қишлоқ хўжалигига доир маълумотларни йиғиш учун уйларга ташриф буюрадилар.

Манбаларга кўра, мамлакатимиз ҳудудида 1897 йилда аҳоли рўйхати жараёнлари бўлиб ўтган. Рўйхатга олиш тадбирларида Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудлари қамраб олинган. Рўйхат чор Россияси томонидан ташкил этилган ва рус тилида олиб борилган. Маҳаллий аҳоли рус тилини яхши билмаслиги боис, маълумотларнинг ишончлилиги ва яроқлилиги даражаси тушиб кетган.

Кейинги даврларда, собиқ шўро ҳукуматининг Марказий Осиёда миллий ҳудудий чегараларни ўрнатиш сиёсати юритилиб, республикалар аҳолисининг миллий этник таркиби ва ҳудудий жойлашувига аниқлик киритиш зарурати ошиб кетади. Хусусан, 1926 йил 17 декабрда мавсумий об-ҳаво машаққатларига қарамай ўтказилган рўйхат маълумотларига кўра, республика 13 та маъмурий ҳудудга бўлинган ва жами аҳоли 4 660 000 кишини ташкил қилган. Республиканинг турли минтақаларида 91 миллат вакиллари яшаши аниқланган [2].

Навбатдаги рўйхатга олиш 1939 йилда ўтказилиб, унда мамлакатнинг жами аҳолиси 6 440 000 киши эканлиги қайд этилади. Марказий Осиё давлатларига хос бўлган туғилишнинг юқори коэффиценти тасдиқланиб, аҳоли сони 1926 йилга нисбатан 1 780 000 кишига ошганлиги ўрнатилади [3, – С. 44-47]. Рўйхат натижаларига кўра, этник таркиб 100 га яқин миллат вакилларида иборат бўлади. Аҳолининг катта қисми қишлоқлар (4 4 866 070 киши)да истиқомат қилади [4]. 1939 йил рўйхатига кўра этник хилма хиллик ошганлигини кўрамыз.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида, яъни 1989 йилда аҳоли рўйхати уйма-уй юриб ўтказилади. Рўйхатга олиш дастурида стандарт саволлар қаторида аҳолининг иқтисодий фаоллик ҳолати, тураржой ва маиший шарт-шароит, ажримлар ва кўчиб юриш (ички ва ташқи миграция)га дахлдор маълумотлар киритилди. Рўйхат маълумотларига кўра, мамлакатимиз жами аҳолиси 19785,2 кишини ташкил қилди. Бу даврда рўйхат қайдномасига нафақат расман фуқаролар, балки доимий яшовчи аҳолининг бошқа қатламлари ҳам киритилди [5, – С. 458-464].

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг илғор амалиёти АҚШда кузатилади. АҚШда 1790 йилдан буён ҳар 10 йилда аҳолининг ижтимоий демографик ҳолати бўйича статистик кузатишларни муттасил ўтказиб келинади. Сўнгги йилларда АҚШ ушбу жараёни илмий техник, ахборот технологик жиҳатдан буткул янгича босқичга олиб чиқди. 2010 йилда катта миқдорда молиялаш эвазига планшет орқали аниқ геолокациялар, навигация тизимлари қўлланилди. 2020 йилда Интернет орқали ўтказилган онлайн рўйхат эса рақамли стандартлар учун халқаро майдонда старт бўлиб қолди [6].

Хитойда “битта оила битта фарзанд” сиёсати юритилганлиги учун оилалар иккинчи ёки учинчи фарзандни яширишга уринган. Натижада, аҳолининг ялпи сонида репрезентативлик кўрсаткичлари етарлича таъминланмади [7]. Янги Зеландияда эса аҳоли тўғрисида батафсил маълумотлар йиғиш тартиби йўлга қўйилган бўлиб, ҳафта давомида иш соатлари ҳажми, турар жой ижра нархи, сарфланадиган ёнлиғи миқдори каби маиший даражада аҳоли турмуш сифатини аниқлаштирувчи индикаторлар киритилади [8]. Қўшни давлатлардан Озарбайжонда рўйхат дастури саволларига аҳолининг математик саводхонлик даражасини аниқлашга қаратилган саволлар киритилган бўлса, Қирғизистонда эса рўйхат давомида аҳоли фаоллигини рағбатлантирувчи совринлар ва ютуқли мукофотлар жорий қилинди.

Дунё мамлакатларида ўтказилган рўйхат жараёни нафақат жуда катта молиявий харажатларни, балки салмоқли инсон капиталини (мутахассислар, рўйхатга олувчилар) ҳам талаб этишини кўрсатади. Бунинг асосий сабаблари, бутун мамлакат бўйлаб (энг чекка худудларгача) ахборот йиғиш пунктларини ташкил этиш, компьютерлар, планшетлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш керак. Юз минглаб вақтинчалик ходимларни ёллаш, уларни ўқитиш ва назорат қилиш талаб этилади. Йиғилган улкан маълумотлар ҳажмини хавфсиз сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун замонавий дастурий таъминот ва серверлар керак. Аҳолининг рўйхатга олишда фаол иштирок этишини таъминлаш учун кенг қўламли ахборот кампаниялари ўтказилади.

2026 йилда ўтказилаётган аҳолини рўйхатга олиш жараёни Янги Ўзбекистонда аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси ҳақида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва холис ахборотни таъминлаб беради [9]. Шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий тараққиёт тенденцияларига мувофиқ демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини белгиловчи, манзилли ижтимоий сиёсат, аниқ бюджет тақсимоти ҳамда келгуси тараққиёт стратегияларини белгилашда асос бўлувчи йўналишларини аниқлайди.

Ривожланган давлатларда аҳолини рўйхатга олишнинг анъанавий қоғоз шаклидан тўлиқ кечилиб, рақамли усулларга ўтилмоқда. Масалан, Франция ва Хитойнинг айрим худудларида респондентлар махсус порталлар орқали шахсий идентификаторлар ёрдамида маълумотларни мустақил киритишади. Шунингдек, рўйхатга олувчилар қоғоз варақалари ўрнига махсус дастурий таъминот ўрнатилган планшетлардан (CAPI) фойдаланишади, бу эса маълумотларнинг реал вақт режимида марказий базага узатилишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда кўплаб давлатлар аҳолидан тўғридан-тўғри сўров ўтказиш ўрнига маъмурий маълумотлардан фойдаланиш (Register-based Census) тартибини йўлга қўймоқда. Бунда, интеграциялашган тизимлар, хусусан, туғилиш, ўлим, миграция, таълим ва ижтимоий суғурта базалари бирлаштирилиб, аҳоли сони автоматик ҳисобланади.

2026 йилги жараёнларда сунъий интеллект (AI) технологиялари маълумотлар сифатини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Бунда, сунъий интеллект ва "Big Data" имкониятларидан маълумотларни тозалашда фойдаланилмоқда. Хусусан, сунъий интеллект такрорий ёзувларни аниқлайди ва хатоликларни минималлаштиради. Космик суратлар ва мобил операторларнинг маълумотлари орқали аҳолининг ҳақиқий жойлашуви ва миграция динамикаси юқори аниқликда ўрганилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида қўлланиладиган усуллар комибинациялашган (Европа методи) ва кенг қамровли электрон

рўйхатлар (Хитой, Россия) ва рўйхатга ўтишга чақириниш усуллари (Қирғизистон) шаклларда ўтказилади. Хусусан, аҳоли рўйхатининг рақамли технологияларни қўллаш орқали ўтказиш онлайн порталлар ва мобиль иловалар орқали амалга оширилади. Дастлабки маълумотлар эса маъмурий қайдномалар асосида тўпланади.

Ўзбекистонда аҳоли рўйхати жаҳон тажрибаси чуқур таҳлил қилиниб, унинг мураккабликлари инобатга олинган ҳолда пухта тайёргарлик асосида ўтказилмоқда. Онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти замонавий талабларга мувофиқ юқори аниқлик билан ўтказилмоқда. Бу ўз ўрнида молиявий сарф харажатларни сезиларли равишда қисқартириш билан биргаликда рўйхатга олиш жараёнида қўйилган дастурий саволлар бўйича киритилган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Рўйхатга олиш орқали аҳолининг реал бандлик даражаси ва даромад манбалари ҳақида аниқ маълумотлар олинади. Бу солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ юкини адолатли тақсимлаш имконини беради ва яширин иқтисодий жиловлашга хизмат қилади. Маълум бир ҳудуд ёки аҳоли қатлами (масалан, ёш тадбиркорлар ёки хунармандлар) учун солиқ имтиёзларини беришда «кўр-кўрона» эмас, балки аниқ эҳтиёжга қараб ёндашилади. Бу иқтисодий ресурсларнинг самарасиз сарфланишини олдини олади ва манзилли имтиёзлар самарадорлигини оширади.

Рўйхатга олиш доирасида аҳолининг **ёши, таълим даражаси, бандлик ҳолати, миграция жараёнлари** каби муҳим йўналишлар бўйича аниқ маълумотлар тўпланади. Қишлоқ хўжалиги қисмида эса **ердан фойдаланиш, чорвачилик** ва шу каби базавий кўрсаткичлар қамраб олинади. Қисқаси, давлат “қанча одам, қаерда, қандай ҳаёт кечиряпти” деган саволларга рақамлар билан жавоб олади — кейинги қарорлар ҳам шунга таянади. Йиғилган барча маълумотлар **махфий сақланади** ва **фақат статистик мақсадларда** қўлланади. Рўйхат саволномаси **71 та саволдан** иборат бўлиб, унда аҳолининг турмуш тарзи ва қишлоқ хўжалигига оид асосий кўрсаткичлар кенг қамраб олинган. Энг муҳим жиҳати шундаки, аҳолини рўйхатга олиш мустақил Ўзбекистон тарихида **биринчи марта** ўтказилмоқда. Шунинг учун бу жараёни “оддий анкета” деб қарамаслик керак. Бу келажакда бюджет режалаштириш, инфратузилма, иш ўринлари, таълим ва қишлоқ хўжалиги сиёсати каби катта масалаларга таъсир қиладиган асосий маълумотлар базаси бўлади.

Хулоса ўрнида, бугунги мамлакатимиз рақамли технологияларни қўллаб аҳоли рўйхатни ўтказётган илғор давлатлар қаторидан ўрин олмоқда. Ушбу рўйхатга олиш натижалари асосида шакллантириладиган илмий хулосалар мамлакатнинг стратегик ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Демографик жараёнлар таҳлиliga юқори аниқлик киритилади. Туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари таҳлили асосида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари бўйича асосли хулосалар чиқарилади.

Инсон капитали ва ижтимоий салоҳият миллий индикаторлари шакллантиради. Аҳолининг саводхонлиги ва маълумот даражаси (олий, ўрта-маҳсус) бўйича хулосалар инсон капиталининг сифатини кўрсатади. Бу таълим тизимини иқтисодий эҳтиёжларига мослаштириш учун асос бўлади.

Иқтисодий фаоллик ва меҳнат бозори истиқболли тенденциялари ўрнатилади. Меҳнат ресурслари прогнозлари бўйича яқин йилларда меҳнат бозорига кириб келадиган ёшлар сонини ҳисоблаш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Миграция оқимларидаги ўзгаришларга мувофиқ ички ва ташқи миграциянинг йўналишлари, сабаблари ва қўлами бўйича хулосалар ҳудудий ривожланишдаги номуносибликларни очиқ беради.

Урбанизация даражаси бўйича юқори аниқликдаги кўрсаткичлар шакллантирилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг ўзгариши шаҳарларни режалаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш концепцияларини ўзгартиришга хизмат қилади.

Турмуш даражаси ва уй-жой шароитлари, уй-жой фонди ҳолати асосида тегишли ислохотларга старт берилади. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги, коммунал кулайликлар (сув, газ, электр, интернет) даражаси бўйича хулосалар аҳоли фаровонлигининг реал кўрсаткичи ҳисобланади.

Янги мактаб, боғча ва шифохоналар қуриш жойлари аниқланади, пенсия ва ижтимоий таъминот тизими ислоҳ қилинади, инвестицияларни ҳудудлар кесимида тўғри тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилинади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. 2020 йил 16 мартда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ЎРҚ 611-сонли қонуни
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2026/01/15/census/>
3. Ганиев К. Некоторые суждения о национальном составе населения Узбекистана (на основе Всесоюзной переписи населения 1926 и 1939 гг / Исторические науки, 2017.
4. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т., 2001.
5. Итоги переписи населения в странах содружества независимых государств / Статистический сборник. Статкомитет СНГ, 2006. – С. 458-464 .
6. <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-standarty-i-opyt-zarubezhnyh-stran-v-organizatsii-obsledovaniya-urovnya-zhizni-naseleniya>
7. <https://tisul.ru/novosti/zarubezhnyj-opyt-provedeniya-perepisej/>.
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnye-standarty-i-opyt-zarubezhnyh-stran-v-organizatsii-obsledovaniya-urovnya-zhizni-naseleniya>).
9. <https://tisul.ru/novosti/zarubezhnyj-opyt-provedeniya-perepisej>.

#### РЕЗЮМЕ:

Мақолада аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг статистик мақсадлари ўрганилган. Рўйхатга олиш тартибининг қонунчилик асослари таҳлил қилинган. Ушбу жараённинг мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказиш амалиёти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Аҳоли рўйхати, урбанизация, миграция, динамика, стратегия, рақамли технологиялар, инфратузилма, планшет сўровлари, онлайн сўровлар, дастурий таъминот.

#### РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются статистические цели процесса переписи населения. Анализируется законодательная база процедуры регистрации. Изучается практика проведения этого процесса в нашей стране и за рубежом.

**Ключевые слова:** перепись населения, урбанизация, миграция, динамика, стратегия, цифровые технологии, инфраструктура, опросы с использованием планшетов, онлайн-опросы, программное обеспечение.

#### RESUME:

The article examines the statistical objectives of the population census process. The legislative basis of the registration procedure is analyzed. The practice of conducting this process in our country and foreign countries is studied.

**Key words:** Population census, urbanization, migration, dynamics, strategy, digital technologies, infrastructure, tablet surveys, online surveys, software.